



68

Q A R O R

«13» сентябрь 2003 йил

№ 400 -К

Юридик шахсга ижарага  
кушимча ер ажратиш тугрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қуйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 53-маддасига асосан ва Қумушкент ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 15-февралдаги «SHOXRUX» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун «SHOXRUX» фермер хужалигига №-52-контурдан 12,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йиғилиш қарори, ер участкаларини бериш (Реализация қилиш) масалаларини қуриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 22-августдаги йиғилиш баёнидаги ижобий хулосани ҳамда Қумушкент ширкат хужалигидаги «SHOXRUX» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун ер майдони ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини қуриб чиқиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Қумушкент ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 15-февралдаги «SHOXRUX» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун «SHOXRUX» фермер хужалигига №-52-контурдан 12,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йиғилиш қарори тасдиқлансин.

2. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини йил якуни билан Қумушкент ширкат хужалиги ҳисобидан чиқариш тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «SHOXRUX» фермер хужаликларини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини ҳамда ердан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

-туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Жураев)га «SHOXRUX» фермер хужалигининг молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;

-иқтисослашган тижорат банкларига «SHOXRUX» фермер хужалигининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳаракатини тартибга солиш;

-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «SHOXRUX» фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:-

*Ш.Негматов*

Ш.Негматов